

Е.Э. БЕРТЕЛЬС ИЛМИЙ МЕРОСИДА ТАСАВВУФНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

Туробов Бекпулат Нусратуллаевич¹

¹ СамДЧТИ Гуманитар фанлар ва ахборот
технологиялари кафедраси доценти, PhD

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 24.04.2025

Revised: 08.04.2025

Accepted: 09.04.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Ислом, тасаввуф,
Е.Э.Бертельс,
Муҳаммад,
“ўринбосарлари”, Абу
Бакр, Умар, “Ас-
Саҳиҳ”, Зоҳид,
Халифалик.

Тарихий шарт-шароит, объектив ва субъектив омилларнинг таъсирини тадқиқ қилмасдан, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш мумкин эмас. Худди шунингдек, мусулмон оламида тасаввуфдек мураккаб ҳодисанинг пайдо бўлиши сабабларини тушуниш учун, авваламбор у вужудга келган жамият ҳолати тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмоқ керак.

КИРИШ. Ислом билан тўқнаш келган турли-туман мафкураларнинг таъсири остида тасаввуфга кириб келган ҳар хил унсурларни назардан ўтказиш гарчанд зарур бўлса-да, аммо бу ўз-ўзича мураккаб масалага аниқлик кирита олмайди. Шунинг учун шарқшунос олим Е.Э. Бертельснинг фикрича, тасаввуфда гностик (илк христианликда худо ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимотни яратишга уринган диний-фалсафий оқим), неоплатончилик, монийлик ва шунга ўхшаш таъсирларнинг кириб келишига қандай шарт-шароитлар имконият яратганлигини тушунтиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Фақат шундагина тасаввуфнинг тарихий роли ва кейинги тақдирини тушуниш мумкин.¹

¹Қаранг: Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв.ред. А.Н.Болдырев. Избранные труды. Том.3. М. 1965. стр. 13

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, -деб ёзади Е.Э.Бертельс,- Муҳаммад ва унинг “ўринбосарлари” Абу Бакр ва Умар бошқарган вақтларида Макка ва Мадинадаги араб жамияти ўзига хос диний жамоа эди. Унда дунёвий ҳокимият мавжуд бўлмаган ҳар бир қонуний ва маъмурий фармойишлар бевосита Аллоҳнинг амри деб қабул қилинган.

Мусулмон жамоаси бўлган даврда, Муҳаммад тириклик пайтида қонун-қоидалар мажмуасига эҳтиёж бўлмаган. Бу даврга келиб кун тартибидаги масалаларга жавоб бериш мушкуллашиб борди. Шунинг учун пайғамбарнинг яқин сафдошларининг хотираларини жамлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Муҳаммад вафот этган дастлабки пайтларда, у айтган гапларни эслаб қолган одамларни топиш осон эди. Муҳаммаднинг саҳобаларига мурожаат қилиш унчалик қийинчилик туғдирмас эди. Низолар, урушлар туфайли уларнинг сони камайиб кетди. Шунинг учун бундай хабарларни йиғиш ва ёзиб олиш муҳим вазифага айланди. Бу ҳадис номи билан атала бошланди. Ҳадисларни йиғувчи ва талқин қилувчиларни муҳаддислар деб аташ одат тусига кирди. Агар ҳадис ишончли бўлса катта кучга эга ҳисобланарди. Бу ишончлиликнинг кафолати тўпловчиларнинг фикрича исноддир. Демак, бунда етказувчиларнинг номлари аниқ кўрсатилиши зарур. Ибн Халдуннинг сўзларига кўра, имом Абу Ҳанифа фақат ўн еттита ҳадисни ҳақиқий ҳисоблаган. Малик уларнинг уч юзтасини санайди, имом Ал-Бухорий ҳадислар тўплами – “Ас-Саҳих”да уларни тўққиз минг икки юзта деб эътироф этади. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал эса эллик мингта деб ҳисоблайди¹.

Дастлаб муҳаддислар халқ оммаси орасида катта обрўга эга эдилар. Муҳаддисларнинг ҳукмдорлар томонига оғиб кетишидан халқ оммаси норози бўлиб, шулар орасидан бошқа турдаги муҳаддислар тавсия этилади. Фақат ҳадисларни етказувчи эмас, балки унга қатъий амал қилувчи муҳаддисга ишониш мумкин, деган қоида илгари сурилди.

Бу ҳаётда авваламбор таъқиқланади, деб ҳисобланадиган ҳамма нарсалардан пухталиқ билан ўзини олиб қочувчи, Худо олдида доимий қалтираб турувчи зоҳиднинг ҳаётидек тасаввур уйғотар эди. Шунинг учун бундан иккинчи тур

¹Қаранг: Е.Э.Бертельс.Суфизм и суфийская литература. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв.ред.А.Н.Болдырев.Избранные труды. Том.3. М. 1965. стр. 14

муҳаддислар ўртасида тасаввуфнинг дастлабки муртаги бўлган зоҳидона оқимнинг ривожлана бошлаганлиги деб, тушуниш мумкин. Шундай қилиб, Уммавийларнинг феодаллашган ҳокимиятига нисбатан муҳолифатда бўлган муҳаддислар орасидан чиққан қаттиққўл ригорист (ахлоқий тамойилларга, қоидаларга жуда ҳам қаттиқ амал қилиш)лар тасаввуф ҳаракатининг дастлабки ташаббускорлари эдилар. Бу вақтда суфий (тасаввуф) термини ҳали мавжуд эмас эди. Бу оқим кишилари учун оддий ишора – зоҳид (“тарки дунё қилган”) ёки обид (“Оллоҳ хизматкори”) ишлатилган. Уларнинг фаолияти асосида ҳеч қандай назария мавжуд бўлмасдан, фақат умумий тушунчалардан иборат эди. Уларнинг диндорлар кенг доирасидан фарқи, биринчидан, динни юқори даражада шиддат билан идрок қилишда, иккинчидан, диний амалиётга собитқадам риоя қилишда эди. Уларнинг ҳаётида ҳалол (рухсат берилган) ва ҳаром (таъқиқланган) ўртасидаги фарқни аниқлаш муҳим аҳамият касб этди. Бировнинг меҳнатини ўзлаштирмасдан, ўзи меҳнат қилиб топилган мол-дунё ҳалолдир, деган хулосага келинди. Е.Э.Бертельс ҳалол ва ҳаром тушунчалари мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиб, ҳалол ризқ (тирикчилик учун рухсат берилган) тўғрисида ягона қатъий фикр ҳали шаклланмаган эди, деган хулосага келади. Бошқа фикрдаги кишилар, зарур пайтда Оллоҳ ўзининг қули ҳақида ғамхўрлик қилиши мумкин деб, ҳисоблаганлар, Уларнинг эътироф этишича, бирор-бир нарсани меҳнат қилиб топиш худога нисбатан норозиликдир. Аммо бундайларнинг сони жуда оз эди. Кўпчилик эса ҳалол меҳнат қилиш орқали, ўзига яраша ноз-неъматни топиш ётарли деб ҳисоблайди¹.

Зоҳидлик ҳаракатининг ҳамма томонлари кейинги тасаввуфнинг асосий унсури бўлган мистик кечинмалардан маҳрум эди. Фикрини бир йўналишга тинмай жамлаш, ўз қулининг ҳаракатини кузатиб турадиган Оллоҳнинг нигоҳини ҳис қилиш, қурбон бўлишга тайёр туриш, ҳамма ноз-неъматлардан воз кечиш иштиёқи-буларнинг ҳаммаси маълум экзальтация (қаттиқ ҳаяжон) ҳолатини яратиши керак эди. Зоҳидлик вақт ва шарт-шароитларига қараб фақат диний қобикқа эга бўлди. Асосий мақсад, халифаликнинг дунёвий характерга эга бўлишини тўхтатишдан, дастлабки халифаларнинг идилистик (осойишта) расм-русмларига қайтишдан иборат эди.

¹Қаранг: Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв.ред. А.Н.Болдырев. Избранные труды. Том.3. М. 1965. стр. 19

Адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев. Избранные труды. Том.3. М. 1965. 531 с.
2. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев. Избранные труды. Том 2. М. 1965. 561 с.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев. Избранные труды. Том 4. М. 1962. 561 с.

